

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **694 Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Етказиб берилган газ учун ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси иссиқлик электр станцияларининг молиявий аҳолини барқарор сақлаш, республика истеъмолчиларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин.

«10. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортиқча ҳажмда (аҳоли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 5-иловага киритилган «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари томонидан истеъмол қилинган ҳажмдан ташқари) ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан газ олинган тақдирда газ истеъмолчисидан қуйидаги миқдорларда:

худудий газ билан таъминловчи корхона учун — шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига 1,5 коэффицент билан;

бошқа истеъмолчилар учун — шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган газ қийматига 2 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда оширилган коэффицентлар кўрсатиб ўтилган истеъмолчиларга аҳоли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 5-иловага киритилган, уларнинг газ тармоқларига уланган «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари томонидан истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ҳисобга олмасдан қўлланади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

**694-695-моддалар**

**— 80 —**

**52 (604)-сон**

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 25 декабрь,  
340-сон